



**БЕДА КОЛЛЕКЦИЯСИДАН ОЛИНГАН ЭКОЛО-ГЕОГРАФИК УЗОҚ
НАВ, НАМУНАЛАРИНИНГ БОШ ПОЯ БАЛАНДЛИГИ БЕЛГИСИ
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Худойбердиев Нурали Худойберди ўғли

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-
тадқиқот институти таянч докторанти

Умарова Манзура Абдумўминовна

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-
тадқиқот институти Беда коллекцияси, селекцияси ва уруғчилиги
лабораторияси лаборанти

Кириш

Беда деҳқончиликда катта аҳамиятга эга, чунки азот фиксацияловчи бактериялар ёрдамида тупроққа эркин азотни тўплаб беради, курғоқчиликка, совуққа ва иссиққа бардошли ўсимлик. Беда—*Medicago Sativa*, *Medicago* оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, илдизи ўқ илдиз бўлиб яхши ривожланган, пояси ўтсимон, тик ўсади, яхши шохланади. Беда селекциясида бугунги кун талабларига жавоб берадиган турли биотик ва абиотик омилларга бардошли, маҳсулдорлиги юқори бўлган янги нав ва бошланғич шакллар яратишда бошланғич ашёларнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Беда селекцияси тадқиқотлари бўйича Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Туркия, Канада, Ҳиндистон ва Европа давлатлари селекционер олимлари томонидан, жумладан ТХ.Д.Хурум, А.М.Константинова, В.Г.Будняк, К.К.Мазур, Г.Д.Харков, Г.В.Хелдт, А.А.Потапов, Н.А.Муҳина, П.А.Лубенец ва Ш.И.Литвак каби тадқиқотчилар, Республикамизда Т.Р.Рашидов, Р.Т.Сидиқ-Ходжаев, Б.Ж.Аллакулиев, М.А.Бурнашева, Ш.Т.Жўраев, Т.И.Искандаров ва бошқа олимлар беданинг хорижий ва маҳаллий нав-намуналаридан фойдаланиб, турли хил дурагайлаш, қимматли хўжалик белгилари бўйича танлаш асосида генетик ва селекцион тадқиқотлар олиб борган ҳамда бу каби ишларни узвий давом эттиришмоқдалар.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

Р.Т.Сиддиқ-Хўжаев ва бошқалар [3; 105-110-б.] томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли хорижий, маҳаллий ва ёввойи намуналарининг агробиологик хоссалари ва иқтисодий қимматли белгиларини беда селекция ишларини самарали олиб боришган. Бу тадқиқот натижасида озуқа сифатини аниқлашнинг энг янги биокимёвий экспресс усулларида фойдаланиш, сунъий провакатсион фон ва етиштириш учун назорат қилинадиган иқлим шароитларини яратиш асосий манба эканлигига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган.

Бедани Тошкент-2009 нави ҳамда С-3243 намунаси иштирокидаги А.Сабиров [1; 201-203-б.] томонидан олиб борилган тадқиқотларда биринчи авлод дурагайларнинг ота-она шаклларида юқори натижалар кузатилган. Ота-она ўсимлиги Тошкент-2009 нави ҳамда ота-она ўсимлиги С-3243 мураккаб популяцияси бўлган С-3349 F₁ дурагайлари ота-она ўсимликлардан устунлик қилган бўлсада, андоза навидан 1,5 % кам ҳосил берганлиги кузатилган.

Беда навларини чатиштириш натижасида олинган дурагай уруғларни ҳосили ота-она шакллари танлаб олинишига боғлиқ бўлади. А.Сабиров ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда [2; 92-95-б.] дурагайларни яратишда танлаб олинган нави ёки намуналар кўк масса ва унинг озуқа бўйича районлашган навига нисбатан юқори бўлган авлодни берадиган бўлиши таъкидланган.

Тадқиқот услуби: Тадқиқотларда беда коллекциясидан танлаб олинган намуналарнинг бош-поя баландлиги кўрсаткичи математик статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов услуби ҳамда Ms Excel дастури асосида амалга оширилган.

Таҳлил ва натижалар. Беданинг қимматли хўжалик белгиларидан бири бош-поя баландлиги белгиси бўлиб беда екинидан олинган ҳосил миқдорига таъсир ўтказди. Тадқиқотларда хорижий ва маҳаллий 45 та нави намуналар ҳамда андоза Тошкент-1 навини 2022-2024 йилларда бош-поя баландлиги маҳсулдорлиги бўйича таҳлил қилинди (жадвал).



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

Маълумки, беда бош пояси ўсимликни юқори қисмида жойлашган, уруғ ҳосил қилувчи ва гул таркибида бўладиган қисми ҳисобланади. Бу ўсимлик дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, ем-хашак ўсимлиги сифатида кенг қўлланилади. Беда пояси текис ва цилиндрсимон шаклда бўлиб, баъзи турлари шохланган бўлиши мумкин. Беда ўсимлигини бош қисми асаларичиликда муҳим ҳисобланади, чунки у яхши асал манбаи ҳисобланади. Беда пояси, шу жумладан бош қисми, чорва моллари учун сифатли озиқа манбаи. Беда бош поясининг узунлиги, қалинлиги ва ҳосилдорлиги унинг озиқланиш сифати, ҳосил миқдори ва қайта ўсиш қуввати каби мезонларни аниқлайди. Ушбу кўрсаткичлар ем-хашак етиштирувчилар ва селекционерлар учун муҳим аҳамият касб этади. Бедани бош поя баландлиги белгиси бўйича 2022-2024 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги илмий-тадқиқот институни марказий тажриба майдонида хорижий ва маҳаллий нав, намуналарида таҳлиллар олиб борилди.

Тадқиқотларимизда 2022-2024 йиллар давомида олиб борилган уч йиллик тажрибалар давомида бош поя баландлиги белгиси бўйича ижобий натижаларга эришилган нав, намуналари учраганлиги кузатилди. Беда коллекциядан олинган эко-географик узоқ ва маҳаллий нав намуналардан ўсимликлар бўйи бўйича к-6660 бўлган намунаси 111,7 сантиметр, к-6171 намунаси 98,8 сантиметр, к-6105 намунасида 91,2 сантиметр, к-6100 намунасида 97 сантиметр, к-6224 намунасида 90,8 сантиметр, Маҳаллий-4 намунаси 90,9 сантиметр, к-6629 намунаси 87,7 сантиметр, ва к-6650 намунаси 97,7 сантиметрни ташкил этиб, ўрганилган андоза Тошкент-1 навидан 15,5 сантиметрча устунликка эга бўлганлиги аниқланди.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

3.8-жадвал Бедани хорижий ва маҳаллий нав, намуналарини бош поя баландлигини кўрсаткичлари (2022-2024 йй.)

Т/н.№	Намуна номи ёки коллекция номери	2022 йилдаги битта ўсимликнинг ўртача бош поя баландлиги (см.)	2023 йилдаги битта ўсимликнинг ўртача бош поя баландлиги (см.)	2024 йилдаги битта ўсимликнинг ўртача бош поя баландлиги (см.)	2022-2024 йиллардаги ўртача бош поя баландлиги кўрсаткичи (см)
1	Маҳаллий-1	77,7	82	84	81,2
2	Маҳаллий-2	92,8	83	85	86,9
3	Маҳаллий-3	81,1	79	77	79,0
4	Баренбург	87,1	78	74	79,7
5	Банат	86,9	79	74	80,0
6	Эмиляна	83,4	82,5	81	82,3
7	к-6194	95,0	78	67	80,0
8	к-6220	86,0	73	68	75,7
9	к-6105	97,5	88	88	91,2
10	к-6197	65,0	79	70	71,3
11	к-6804	91,5	81	80	84,2
12	к-6719	76,8	78	63	72,6
13	к-6682	22,5	34	35	30,5
14	к-6204	67,5	69	70	68,8
15	к-6571	86,9	77,5	75	79,8
16	к-6100	105,0	96	90	97,0
17	к-6171	90,5	98	108	98,8
18	к-6735	76,5	81,3	69	75,6
19	к-6218	77,5	76	74	75,8
20	к-6172	70,5	71	62	67,8
21	к-6637	62,5	59	53	58,2
22	к-6163	72,0	69	66	69,0
23	к-6186	81,5	63	56	66,8
24	к-6224	87,5	93	92	90,8
25	к-6200	78,5	70	67	71,8
26	к-6750	78,5	79	75	77,5
27	к-6771	52,0	46	51	49,7
28	к-6660	114,0	115	106	111,7
29	к-6227	81,0	79	62	74,0
30	Маҳаллий-4	97,7	88	87	90,9
31	к-6181	81,5	68	62	70,5
32	к-6649	91,5	76	70	79,2
33	к-6629	81,0	89	93	87,7
34	к-6650	109,0	96	88	97,7



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

35	к-6219	70,0	78	83	77,0
36	к-6535	69,0	63	61	64,3
37	к-6662	64,0	67	69	66,7
38	к-6638	68,5	56	56	60,2
39	к-6643	96,0	77	67	80,0
40	к-6656	94,5	85	85	88,2
41	к-6633	72,0	79	81	77,3
42	к-6640	99,0	89	79	89,0
43	к-6756	43,5	59	60	54,2
44	к-6753	90,0	79	71	80,0
45	к-6757	86,5	80	70	78,8
46	Тошкент-1	83,7	83	80	82,2

Аннотация

В экспериментах 2022-2024 гг. Среди всех изученных сортов следующие образцы имели положительные показатели высоты главного стебля: к-6660, к-6171, к-6105, к-6100, к-6650.

Ключевые слова: Люцерна, голубая масса, сбор, образец, сено, продуктивность, кормовая база, структура почвы, питательные культуры, сорт, гибрид, селекция.

Annotation

In experiments 2022-2024. Among all the studied varieties, the following samples had positive indicators of the height of the main stem: k-6660, k-6171, k-6105, k-6100, k-6650.

Key words: Alfalfa, blue mass, collection, sample, hay, productivity, forage base, soil structure, nutritious crops, variety, hybrid, selection.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сабиров А.Г. Биринчи авлод F1 беда дурагайларида кўк масса ҳосилдорлиги. “Турли экстремал шароитларга бардошли ғўза ва беданинг янги навларини яратишда генетик-селекцион услублардан фойдаланиш”



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

мавзусидаги илмий-амалий конференсия материаллари тўплами. Тошкент 2012 йил. Б. 201-203

2. Сабилов А.Г., Сидик-Ходжаев Р. Т. Селекцион кўчатзоридаги F1 беда дурагайлари нинг уруғ ҳосилдорлиги. “Қишлоқ хўжалиги екинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий амалий конференсияси материаллари тўплами. Тошкент 2018 йил. 18-19 декабр кунлари. Б. 92-95

3. Сидик-Ходжаев Р. Т., Амантурдиев Ш.Б., Сабилов А.Г. 2023. Научно-исследовательские работы по люсерне в Средней Азии. Хоразм маъмун академияси ахборотномаси-8/1-2023. Хива-2023: С. 105-110

Муаллифлар ҳақида маълумот

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти таянч докторанти. Худойбердиев Нурали Худойберди ўғли. Телефон: 94-191-30-50

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Беда коллекцияси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси лаборанти. Умарова Манзура Абдумўминовна. Телефон: 93-527-35-80.